


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 20 июль, № 141 (5815) Шанба


# Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

*19 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар иккинчи ўқишда бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

“Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг аҳолини иш билан таъминлаш жараёнларига таъсир кўрсатувчи ўзига хос хусусиятлари, устувор йўналишлари ва истиқболлари, шунингдек, халқаро андозалар ва нормаларни ҳисобга олган ҳолда аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда ишда бандликни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳасида аҳолининг алоҳида тоифаларига, шу жумладан, ўрта махсус, касб-ҳунар, шунингдек, олий таълим муассасалари битирувчиларига қўшимча кафолатлар назарда тутилмоқда, иш билан таъминланган фуқаролар, ишсизлар тушунчалари, давлат органлари вазифалари, ушбу соҳадаги бошқа ҳуқуқий нормалар аниқлаштирилмоқда.

“Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси фуқароларнинг меҳнат муносабатлари соҳасидаги ҳуқуқий кафолатларини кучайтиришга, ишга жойлаштириш бўйича хизматларни кенгайтиришга, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш юзасидан қўшимча ҳимоя чора-тадбирларини кўришга қаратилган. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда Ўзбекистон корхоналарининг ҳуқуқни татбиқ этиш амалиёти, шунингдек, меҳнат муносабатларини қонуний тартибга солишнинг халқаро тажрибаси ҳисобга олинди. Тузатишларнинг қабул қилиниши ишловчилар ва иш берувчилар ҳуқуқлари ҳамда манфаатларининг давлат кафолатларини кучайтириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш имконини беради.

“Гаров реестри тўғрисида”ги қонун лойиҳаси гаровга қўйилган мулкни ҳисобга олиш, шунингдек, унинг ноқонуний сотилиши ёки бошқа шахсга ўтказилишининг олдини олиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган гаров реестрини ҳисобга олувчи ягона база яратишнинг ҳуқуқий механизмларини белгилаб беради. Ишончли гаров ахборотини тўплаш, уни қайта ишлаш ва гаровга қўйилган мулкка нисбатан ҳуқуқлари бўлган ёки уларга эга бўлишни хоҳлаган шахсларга тақдим этиш, шунингдек, гаровга қўйилган мулкка нисбатан гаров ҳуқуқларининг мавжудлигини аниқлаш ва потенциал қарздорнинг гаровга қўйилган мулки тўғрисида ахборот бериш гаров реестрини ташкил этишнинг асосий мақсади ҳисобланади. Қонун лойиҳаси бўйича гаров реестри жисмоний ва юридик шахсларнинг гаровни таъминлашга, шунингдек, уларни ўзгартиришга ёки тўхтатишга бўлган ҳуқуқлари юзага келиши тўғрисидаги электрон шаклдаги ёзувларни ўз ичига олган ягона ахборот маълумотлар базасини ўзида ифода этади. Ҳар томонлама моддама-модда муҳокамадан сўнг депутатлар ушбу Қонунни қабул қилдилар. Ҳужжат Олий Мажлис Сенатига кўриб чиқиш учун юборилади.

“Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси қонун ҳужжатларининг айрим нормаларини “Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқлаштиришга қаратилган. Шу муносабат билан қонун лойиҳасида банк ва молия тузилмалари фаолиятини беш йилда кўпи билан бир марта режали текшириш назарда тутилмоқда.

(Давоми 2-бетда).



# БАРКАМОЛ АВЛОД

**Келажагимиз ворисларининг ҳар томонлама етук бўлиб вояга етишларида ёзги таътилнинг мароқли ўтиши ҳам аҳамиятлидир.**

Ёзнинг иссиқ кунларида табиат қўйнида, баҳаво жойларда ҳордиқ чиқаришнинг гашти ўзгача. Шунинг учун бўлса керак, бу фаслни, айниқса, болажонлар интиқлик билан кутадилар. Шу маънода, юртимизнинг барча ҳудудларида мактаб ўқувчиларининг ёзги таътилни мароқли ва сермазмун ўтказишларига қизғин тайёргарлик кўрилганлиги эътиборга лойиқдир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 мартда қабул қилинган “Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазкур йўналишдаги ишларни сифат ва мазмун жиҳатдан янада яхшилашда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

— Бу йилги мавсумда мингга яқин болалар оромгоҳи фаолият кўрсатмоқда, — дейди Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши масъул ходими Лола Холмўминова. — Шундан 210 таси стационар, 740 таси кундузги, 50 таси эса меҳнат ва дам олдиришга мўлжалланган оромгоҳлардир.

(Давоми 2-бетда).

## Цзяо Ян:

# «Ўзбекистон кўҳна тарих ва бетакрор маданиятга эга мамлакатдир»

*Шанхай Хотин-қизлар федерациясининг раҳбари Цзяо Ян “Жаҳон” ахборот агентлигининг мухбири билан суҳбат чоғида Ўзбекистон халқини тобора яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрами билан қутлар экан, дўст ўзбек халқига янгидан-янги муваффақиятлар тилади.*

### ДУНЁ НИГОҲИ

Цзяо Ян ўзи раҳбарлик қилаётган федерация вакилларининг шу йил май ойида Тошкентда бўлиб ўтган “Хотин-қизлар ҳуқуқлари ва эркинлиги, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш: Ўзбекистон тажрибаси” мавзуига бағишланган халқаро конференцияга таклиф этилганини алоҳида мамнуният билан ёдга олиб, ўзининг айрим фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.

— Юртингизга сафаримиз чоғида биз мамлакатингиз раҳбарияти ижтимоий соҳани ислоҳ этишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлагани ҳолда, аҳоли фаровонлиги, аёлларга ўз имкониятларини намойиш қилиш учун шароит яратиш ва ёш авлодни тарбиялаш борасида изчил чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этаётганига яна бир бор амин бўлдик, — деди у. — Ўзбек халқининг олижаноблиги ва самимиятини қалбан ҳис қилдик, кўплаб ажойиб, оқила ва гўзал аёллар билан танишишга муяссар бўлдик. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш йўлида улар муҳим ўрин тутаётгани бизни беҳад қувонтирди.

(Давоми 2-бетда).

## Истиқлол сурури

*Манзилгача 2 соату 8 дақиқа. Тезлик — 250. Тўққизта юқори сервисли вагондан иборат замонавий поезд...*

# АФСОНАЛАР ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНАЯПТИ

*“Afrosiyob” тезюрар поездини кўпчиликка ана шундай тушунтираман. Ўзбекона лутфимни англамаганлар: “Қўйсанг-чи” деб табассум қилишади. Лекин поездимиз хизматидан фойдаланганлари заҳоти, ҳаяжонланиб қўнғироқ қилишади. “Э, оғайни, гапинг тўғри экан, бу мўъжизанинг ўзгинаси-ку!”*

*Йўловчилар орасида ҳазилга мойиллари ҳам учрайди. Уларга берадиган жавобим ҳам тайин: Самарқандга отланган бўлсангиз, танишингизга қўнғироқ қилиб қўйинг, ошнинг ҳаракатини бошлайверсин. Қозонга ўт ёқиб, гуручини дам едиргунча, манзилда бўламиз.*

*Аслида, бунинг сира ажабланадиган жойи йўқ. Чунки Ўзбекистонимизда ҳар йили, ҳар куни афсоналар ҳақиқатга айланаяпти. Шуни англашнинг ўзи одамга ҳузур бағишлайди.*

**Раҳматжон АЗИМОВ,**
**«Afrosiyob» юқори тезюрар поезди машинисти.**

### 2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

*Жиззахда “Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида “Ёш тадбиркор — юртга мададкор”, “Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор” танловларининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.*

# Ёш тадбиркор — юртга мададкор

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Савдо саноат палатаси, республика Марказий банки ҳамда бир қатор тижорат банклари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган 51 нафар ишбилармон истиқболли бизнес режалари билан қатнашди.

— Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ташкил қилиш бўйича ўз лойиҳамни тақдим этиб, ғолибликни қўлга киритдим, — дейди Жиззах политехника институти қошидаги 1-сонли академик лицей ўқувчиси Жаъфар Ботиров. — Мақсадим, келгусида тадбиркорликни йўлга қўйиб, халқимизга замонавий хизмат кўрсатиш.

Тадбир якунига кўра, шунингдек, Жиззах шаҳридан Суннатулла Мажидов паррандачилик, Зилола Ўролова қандолатчилик, Жиззах туманидан Гўзал Донобоева тикувчилик, Дўстликдан Адиба Нормуродова қандолатчилик, бахмаллик Рамазон Юсупов маиший хизмат кўрсатиш йўналишлари бўйича ғолибликни эгаллаб, танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Бундан ташқари, яна 9 нафар иштирокчи рағбатлантирувчи ўринларга лойиқ топилиб, уларга тижорат банкларининг имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлари топширилди.

**Улуғбек АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**Жорий йилнинг олти ойи мобайнида мамлакатимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми**

**8,2 фоиз ўсди.**

Саноат тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш ҳамда уларни экспортга чиқариш ҳажмини кўпайтиришга қаратилган дастурларнинг изчил ижроси таъминлангани туфайли соҳада ана шундай юқори кўрсаткич қўлга киритилди.



# Эътибор, рағбат ва даромад

*Кексаларимиз дуога қўл очганда, авваламбор, юртимиз тинч, ризқу насибамиз бутун бўлсин, дейишади. Бугун биз, ғаллакорлар улкан меҳнат ғалабасини қўлга киритиб, 7 миллион 610 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этганимиз шунинг ижобати, десак, асло янглишмаймиз.*

### ДИЛ СЎЗИ

Шу муносабат билан Президентимизнинг республикамиз ғаллакорларига йўллаган табриги эса барчамизнинг руҳимизни кўтариб, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди. Ахир Юртбошимизнинг “Ишончим комил — бугунги қувончли айёмда сиз, азиз ғаллакорларимиз, деҳқон ва фермерларимиз эришган бу улкан ғалаба Ўзбекистонимизда каттаю кичик барчани, касбу кори, вазифасидан қатъи назар, ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди”, деган самимий сўзлари барчанинг дилидаги гап-ку!

Дарҳақиқат, собиқ тузум даврида эртаю кеч ишлаб, уйига бир қоп буғдой келтиришдан ҳадиксираган деҳқон бугун тонналаб донни ўз омборига тўкмоқда. Ўзи етиштирган буғдойдан сифатли нон тайёрлаб, дастурхонимизга тортиқ қилаётган ишбилармонлар сафи эса кун сайин кенгайиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Киритиладиган тузатишлар хусусий банк ва молия институтлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг яхлитлиги ва бир тизимлилигини таъминлашга хизмат қилади.

Сўнгра парламентнинг қуйи палатаси аъзолари биринчи ўқишдаги қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар. "Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилишни янада рағбатлантириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси, айниқса, саноатнинг юқори технологик тармоқларига тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилишни янада рағбатлантиришга, мамлакатимиздаги инвестиция муҳитини такомиллаштиришга, Ўзбекистон ҳудудида чет эллик инвесторлар фаолияти учун қулайроқ шарт-шароитлар яратишга қаратилган. Тегишли тузатишлар "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги, "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги, "Божхона тарифи тўғрисида"ги қонунларга, Солиқ кодексига киритилмоқда.

"Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси болаларнинг мажбурий ўн икки йиллик таълим олишини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳасида болаларнинг мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишига ота-оналарнинг ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг тўсқинлик қилганлиги учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда. Таклиф этилаётган чора-тадбирлар вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, умумий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мажбурийлиги тўғрисидаги талабларни амалга ошириш, болаларнинг умуммажбурий ўн икки йиллик таълим олиши учун ота-оналарнинг жавобгарлигини ошириш имконини беради.

Батафсил муҳокамадан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси юқорида кўрсатиб ўтилган иккала қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллади ва депутатларнинг фикрларини инобатга олган ҳолда, уларни биринчи ўқишда қабул қилди. Масъул қўмиталарга ҳужжатларни иккинчи ўқишда кўриб чиқишга тайёрлаш топширилди.

Қонун лойиҳаларини муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари саволлар ва таклифлар билан сўзга чиқдилар. Улар ҳар бир ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси бўйича партия дастурлари ва сайловчилар фикрларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ўз нуқтаи назарларини билдирдилар. Депутатлар мамлакатимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтириш, фуқароларни, айниқса, ёшларни ишга жойлаштириш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, молия-банк тизимини ривожлантириш, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун кўриб чиқилган қонун ҳужжатларининг муҳимлигини алоҳида таъкидладилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.**

# Истиқлол сурури

*Бугуннинг ўғил-қизларига жуда ҳавасим келади-да. Кўрса, кўз қувонадиган мактабу коллежларда ўқишаяпти. Нимаики зарур бўлса, барчаси муҳайё. Синфхоналардаги ял-ял яшнаб турган жиҳозлар-чи?*

## КЎРСАМ, КЎЗИМ ҚУВОНАДИ

*Бизнинг давримизда бундай имкониятлар қаёқда эди дейсиз? Ерга чўк тушиб, зах ва қоронғи хоналарда савод чиқарардик. Қишнинг қаҳратон кунларида совуқ суяк-суягимизгача қақшатиб юборарди. Ёлғизоёқ кўчалардан чанг, лой кечиб мактабга қатнаганимиз ҳалиям эсимда.*

*Ўзим ўттиз йилдан зиёд қишлоқ ўқувчиларига француз тилидан сабоқ бердим. Шунданми, йигит-қизларимиздаги иқтидор ва қобилиятни тезда илғаб оламан. Таътилдан аввал ўзим ишлаган қадрдон мактабга таклиф қилишди. Охирги партада ўтириб, машғулотни тингладим. Чет тилида шунақанги бурро гаплашишаяптики, офарин, демасликнинг иложи йўқ. Бу ҳам майли. Компьютер орқали хориждаги тенгдошлари билан бемалол хат ёзишаётганидан роса завқу шавқим тошди. Шуларни кўриб, "Яшанг, кўп яшанг, мустақилликнинг болалари", дегинг келади ахир. Йигирма икки йилда шу қадар илгарилаб кетган бўлсак, яқин келажакда Ўзбекистон жаҳонда пешқадам бўлган кунларни ҳам, албатта, кўрамиз!*

**Одил МИНГЖИГИТОВ, меҳнат фахрийси.**
Гулистон шаҳридаги Дўстлик маҳалласи

# хабарлар

Янгиликлар, воқеалар,

■ *Уйчи туманидаги "Жамолиддин-Сардор ҳамкор" фермер хўжалигида экинларни томчилатиб суғориш учун мўлжалланган технологик ускуналар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.*

## Миришкорларга илғор ускуналар

Янгиликни жорий этишда фермерга БМТ Тараққиёт дастури глобал экологик жамғармасининг 50 минг АҚШ доллари миқдоридаги гранти ва банкнинг 172 миллион сўмлик кредити қўл келди. Айни пайтда бу ерда ўрнатилган хорижий технологик линия ёрдамида томчилатиб суғориш учун мўлжалланган полиэтилен қувурлар ишлаб чиқарилмоқда. Янги ишлаб чиқариш тизими тўла қувватда фаолият бошлаши билан ҳудуддаги бир қатор фермер хўжаликларига сув ресурсларини тежовчи технологик ускуналар таклиф этилади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, *«Халқ сўзи» мухбири.***

■ *Навоий шаҳридаги "Navoiy Fayz Mebel" масъулияти чекланган жамиятида замонавий мебель жиҳозлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.*

## Замонавий мебеллар

Ушбу истиқболли лойиҳа рўёби учун 100 минг АҚШ долларлик илғор технологик ускуналар ўрнатилди.

— Зарур хом ашёни Қашқадарё вилоятидаги "Wood Decor Production" қўшма корхонасидан келтиряпмиз, — дейди корхона раҳбари Азамат Ҳожиев. — Айни пайтда мижозларимизга 100 хилдан зиёд мебель жиҳозларини таклиф этаяпмиз. Шу пайтгача 500 миллион сўмлик буюртмаларни ўз вақтида тайёрлашга муваффақ бўлдик.

**Азамат ЗАРИПОВ, *«Халқ сўзи» мухбири.***

■ *Термиз туманидаги "Мадад Намуна" корхонасида амалга оширилган модернизациялаш тадбирларидан сўнг бу ерда ишлаб чиқариш қуввати икки барободар ортиб, кунига 2 минг донагача сифатли шифер тайёрлаш имконияти юзага келди.*

## Изланиш меваси

Бунда 151 минг АҚШ долларлик кредитдан унумли фойдаланилди. Ҳозир корхона цехларида ишлаб чиқарилаётган мустаҳкам ва пишиқ томёпқичларга, асосан, қишлоқ жойларда қад ростлаётган намунавий лойиҳа асосидаги уйлар қурувчилари харидор.

— Маҳсулотимизга талаб юқорилигини ҳисобга олиб, иш унумдорлигини ошириш ҳаракат қилаяпмиз, — дейди корхона раҳбари Рустам Норҳамидов. — Жамоамизда 20 нафардан зиёд ишчилар меҳнат қилмоқда. Ҳадемай, яна 10 нафар коллеж битирувчисини жамоамизга қўшиб оламиз.

**Нормурод ТЕМИРОВ, *«Халқ сўзи» мухбири.***

■ *Йодланган ош тузи инсон саломатлиги учун жуда фойдали. Шу боис ундан кундалик турмушимизда кенг фойдаланилади.*

## Саломатлик учун фойдали

Чимбойлик тадбиркор Аман Утемуратов ҳам ички бозор талабларини пухта ўрганиб, йилига 480 тонна йодланган ош тузи ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Ерназар-Радик" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этди. Мазкур лойиҳа тижорат банкининг 30 миллион сўмлик кредити ҳисобидан молиялаштирилди. Корхонанинг ўн кишидан иборат жамоаси қисқа муддатда 10 тоннага яқин маҳсулотини истеъмолчиларга етказди.

Эътиборли жиҳати, жорий йилда ана шундай истиқболли лойиҳалар ҳисобига саноатнинг япи ҳудудий маҳсулотдаги улушини 10,6 фоизга етказиш кўзда тутилган.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ, *«Халқ сўзи» мухбири.***



# БАРКАМОЛ АВЛОД

Келажагимиз ворисларининг ҳар томонлама етук бўлиб вояга етишларида ёзги таътилнинг мароқли ўтиши ҳам аҳамиятлидир.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мавсум давомида 270 минг 350 нафардан зиёд ўғил-қиз дам олиши кўзда тутилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилдагидан 10 минг нафарга кўпдир. Негаки, "Обод турмуш йили" Давлат дастурининг ҳаётга кенг татбиқ этилиши натижасида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан тўрт ярим минг нафар бола таътилни Тошкент шаҳри ва вилояти, шунингдек, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларининг сўлим масканларида ўтказишмоқда. Шу билан бирга, корхона, ташкилот ва муассасаларда имзоланган жамоа шартномалари орқали 30 минг, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларнинг 600 нафардан ортиқ фарзандлари бепул дам олдирилаяпти.

Жорий йилги мавсумнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири ижтимоий мослашув оромгоҳлари фаолиятининг йўлга қўйилганлигидир. Бунда болаларнинг дам олиши билан бирга, жамиятга мослашуви, тиббий, психологик, педагогик реабилитациясига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати сингари ташкилотлар билан биргаликда ёзги дам олиш оромгоҳлари, мактаблар қошидаги мавсумий дам олиш масканлари учун "Ёз — 2013" деб номланган махсус режа ишлаб чиқилган. Мазкур режа асосида эса кун давомида ўтказиладиган турли мусобақалар, танловлар билан бир қаторда, Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар, учрашув, жонли мулоқот ва давра суҳбатлари ҳам ташкил этилаётир. "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз!", "Эртаклар оламига саёҳат", "Қизиқарли ўйинлар шаҳарчаси", "Рақс кечаси" номли тадбирлар болаларда катта таассурот қолдирмоқда.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ, *«Халқ сўзи» мухбири.***

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

## Цзяо Ян:

## «Ўзбекистон кўҳна тарих ва бетакрор маданиятга эга мамлакатдир»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, Цзяо Ян Хитой делегациясининг мазкур сафари доирасида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва Ўзбекистон Бадиий академияси қўмагида "Шанхай аёлининг ҳаётидан бир ажойиб кун" номли фотосуратлар кўргазмасининг муваффақиятли билан ўтказилганини ҳам қайд этди.

— Ушбу кўргазма орқали ўзбекистонликлар Шанхай аёллари, уларнинг ҳаёти, фаолияти, ижоди, қувонч ва зафарлари ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўлдилар, — деди Цзяо Ян. — Бу каби тадбирларнинг ўтказилиши мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқалар ҳамда маданий ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилиши тайин.

Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти ҳақида фикр юритар экан, Шанхай Хотин-қизлар федерациясининг раҳбари жадал иқтисодий тараққиёт, ижтимоий барқарорлик ва оқилона ташқи сиёсатга эга бўлган юртимизнинг халқаро майдондаги нуфузи кундан-кунга мустаҳкамланиб бораётганини эътироф этди.

— Хитой сингари Ўзбекистон ҳам қадим тарих ва бетакрор маданиятга эга бўлиб, бу нафақат мамлакатларимизнинг маънавий қиммати ва менталитетларининг ўхшашлиги учун мустаҳкам замин, балки ўзаро манфаатли стратегик шерикликни кенгайтиришга ҳам пойдевор сифатида хизмат қилаётир, — дея фикр билдирди Цзяо Ян. — Хитойлик ишбилармонлар истиқболли Ўзбекистон бозорида сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдордир.

Цзяо Ян ўтказиб келинаётган тақдимот маросимлари туфайли Шанхай ва унга яқин бошқа ҳудудларда жойлашган провинциялар аҳолиси Ўзбекистоннинг урф-одат ва анъаналари, маданияти ва санъати, сайёҳлик салоҳияти ҳақида ўз билимларини бойитишаётгани эътиборга молик эканлигини алоҳида қайд этди. "Ҳар икки мамлакатнинг хотин-қизлари ҳам Тошкент ва Шанхай ўртасидаги бародарлик алоқаларининг мустаҳкамланишига салмоқли ҳисса қўшаётганлари бизни қувонтиради", деди у.

**«Жаҳон» АА.**
Шанхай

# Эътибор, рағбат ва даромад

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мана, масалан, бизнинг фермер хўжалигимиздан қиёс. Жорий йилда жами 165 гектар ерда ғалла етиштирдик. Шартномада белгиланган 520 тоннадан ортиқ донни давлат омборига топшириш учун ғалла майдонимизнинг 75 гектаридаги ҳосилнинг ўзи кифоя қилди. Чунки ўртача ҳосилдорлик 70 центнерни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич айрим пайкалларимизда 100 центнердан ҳам ошди!

Гарчи қишлоқ хўжалиги мутахассиси бўлсам-да, ҳали бунақасини кўрмаган, эшитмаган ҳам эдим. Бу халқимизнинг ризқу насибаси бутунлигидан, топган-тутганимизга баракали, турмушимизга фаровонлик кириб бораётганидан бир нишона эмасми?!

Жамоамиз 80 кишидан иборат. Улар бугун фермерлик ҳаракати нақадар беқиёс имконият, катта кучга эга эканини тўла-тўкис англаб, фидокорона меҳнат қилишмоқда. Шунга яраша ҳар бири моддий манфаат кўраяпти, албатта. Бу йил солқам 500 тонна ғалла ихтиёримизда қолгани бунинг исботидир. Ҳисоб-китобимиз бўйича, ғаллачиликнинг ўзидан келадиган даромадимиз 400 миллион сўмдан ошар экан. Зеро, давлатимиз раҳбарининг табригида таъкидланганидек, "Ўзини оқламаган эски тизимнинг ўзаги бўлган мулкчилик шаклларидан воз кечиб, бозор муносабатлари ва хусусий мулкчиликни жорий этганимиз қишлоқ хўжалигида мутлақо янги ишлаб чиқариш муносабатларини ривож топтиришда, энг муҳими, қишлоқ аҳлининг бутунлай янгича фикрлаш, ўз меҳнатига янгича қарашини шакллантиришда энг асосий ва муҳим омил бўлди".

Ҳақиқатан ҳам, мустақиллик туфайли мулкдор бўлдик, фаровон ҳаёт кечираяпмиз. Бундай юрт равнақи учун фидойи меҳнат қилиб, эл дастурхони тўкинлигига ҳисса қўшиш бахтига не етсин?!

**Ғулом ХОЛХЎЖАЕВ, Ўрта Чирчиқ туманидаги «Иброҳим Абдураҳмонов» фермер хўжалиги раҳбари.**

# Экспортчи корхона

*Кўрғонтепа туманидаги "Ю Фидо" масъулияти чекланган жамиятида пайпоқ тўқиш ўзлаштирилди.*

## ИНТИЛИШ

Лойиҳа рўёби учун банк томонидан 190 миллион сўмлик кредит ажратилиб, ушбу маблағ эвазига 10 та замонавий тўқув дастгоҳи келтирилди. Корхонанинг 15 кишилик жамоаси томонидан сифатга алоҳида эътибор қаратилиши натижасида умумий қиймати 175 миллион сўмлик дастлабки маҳсулот буюртмачиларга манзур бўлди. Шундан 56 минг АҚШ долларлик қисми экспорт қилинди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, *«Халқ сўзи» мухбири.***

# Миллий гиламлар жилоси

*Қарши шаҳрида мустақиллигимизнинг 22 йиллиги ҳамда "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида гиламлар кўргазма-савдоси ташкил қилиниб, гиламдўз хотин-қизларнинг миллий услубда тайёрланган ўндан ортиқ турдаги маҳсулотлари намойиш этилди.*

## КЎРГАЗМА

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда миллий гиламларнинг 150 дан зиёд тури мавжуд бўлиб, шундан жулхис, кумуш, юлдуз, қайчи гулли, атлас нусха, шоҳдоргул, аждаргулли, пахтали ва жунли қоқма гиламлар кенг тарқалган. Эътиборлиси, момоларимиз қадимдан ушбу ҳунар билан шуғулланиб, жунли ип ва турли бўёқларни маҳаллий хом ашё ҳамда гиёҳлардан тайёрлашни пухта ўзлаштирганлар. Шу боис бундай миллий гиламларимиз ҳозир ҳам ноёб ҳисобланади.

Кўргазма савдоларида "Қашқадарёпахтасаноат" ҳудудий бирлашмаси ОАЖга қарашли туман пахта тозалаш корхоналари билан гиламдўз аёллар ўртасида касаначилик асосидаги ўзаро манфаатли шартномалар ҳам тузилди.

— "Чумчуққўз" услуда тикилган гиламларимизга қизиқиш катта бўлди, — дейди яккабоғлик моҳир гиламдўз, якка тартибдаги тадбиркор Фароғат Муқимова. — Маҳалламизда хотин-қизлар, асосан, гиламдўзлик билан шуғулланади. Бу кўпчиликнинг меҳнати талаб этиладиган юмуш бўлгани учун кўни-қўшнилар билан биргалашиб ишлаймиз. Ҳозир 15 нафар ишчимиз бор, улар қўмагида буюртмаларимизни ўз вақтида бажараяпмиз.

Тадбир якунида кўргазма-савдода энг фаол иштирок этган ҳунармандлар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ, *«Халқ сўзи» мухбири.***

## «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

*Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:*

**1.** Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 2012 йил 11 сентябрдаги 31079/5-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Арслонбоб кўчаси, 8-уй.

***Бошланғич баҳоси — 528 126 501 сўм.***

**2.** Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 2012 йил 17 сентябрдаги 1-423-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Хумсон» ҚФЙ, Қизил чорва қишлоғида жойлашган дала-ҳовли.

***Бошланғич баҳоси — 319 463 595 сўм.***

**3.** Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан 2012 йил 21 майдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Ли Николай кўчаси, 18-уй.

***Бошланғич баҳоси — 125 000 000 сўм.***

**4.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11379/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган ошхона биноси.

***Бошланғич баҳоси — 246 785 895 сўм.***

**5.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11378/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 56-сонли савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 28 740 600 сўм.***

**6.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11384/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 31-сонли савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 34 115 359 сўм.***

**7.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 95-сонли савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 58 468 024 сўм.***

**8.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 96-сонли савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 60 388 713 сўм.***

**9.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 98-сонли савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 59 541 350 сўм.***

**10.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 19-сонли савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 33 862 478 сўм.***

**11.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 20-сонли савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 30 622 992 сўм.***

**12.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 27-сонли савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 29 755 790 сўм.***

**13.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 29-сонли савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 29 924 981 сўм.***

**14.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 35-сонли савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 30 413 753 сўм.***

**15.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 38-сонли савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 30 478 070 сўм.***

**16.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 58-сонли савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 19 107 078 сўм.***

**17.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 64-сонли савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 24 267 359 сўм.***

**18.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 65-сонли савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 24 178 100 сўм.***

**19.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 66-сонли савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 24 847 544 сўм.***

**20.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 67-сонли савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 24 893 029 сўм.***

**21.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 69-сонли савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 23 519 848 сўм.***

**22.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 84-сонли савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 24 893 029 сўм.***

**23.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 10-сонли савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 11 591 181 сўм.***

**24.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 11-сонли савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 11 715 818 сўм.***

**25.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 12-сонли савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 11 422 923 сўм.***

**26.** Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Бест Плюс сервис» хусусий корхонаси ҳудудида жойлашган 46-сонли савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 191 684 535 сўм.***

*Аукцион савдолари 2013 йил 5 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.*

**27.** Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан 2013 йил 27 мартдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, «Қумовул» ҚФЙ, Бектемир шоҳкўчаси, 204-уй.

***Бошланғич баҳоси — 39 375 000 сўм.***

*Аукцион савдоси 2013 йил 19 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.*

Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304936050001, МФО: 00425, СТИР: 207 125 885.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-квартал, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8-371) 212-89-55.**

**Хизматлар лицензияланган.** *Лицензия: RR-0052.*

1179А/380

## «FARG'ONA MULK MARKAZI» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

Аукцион савдоларига Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг 2012 йил 6 августдаги 2-50/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, Қапчуғай қишлоғи, Шарқ тонги кўчасида жойлашган «1-сонли кўчма механизациялаштирилган Карвон» хусусий корхонасида сақланаётган қуйидаги автомототранспорт воситалари қўйилмоқда:

**1.** «SINJF SWZ 10 HOWO» русумли, давлат рақами 15 AN781, 2007 йилда ишлаб чиқарилган.

***Бошланғич баҳоси — 163 904 832 сўм.***

**2.** «SINJF SWZ 10 HOWO» русумли, давлат рақами 15 AN947, 2007 йилда ишлаб чиқарилган.

***Бошланғич баҳоси — 163 904 832 сўм.***

**3.** «SINJF SWZ 10 HOWO» русумли, давлат рақами 15 AN945, 2007 йилда ишлаб чиқарилган.

***Бошланғич баҳоси — 163 904 832 сўм.***

**4.** «DONG FENBG DFL3310AI» русумли, давлат рақами 15 AN898, 2007 йилда ишлаб чиқарилган.

***Бошланғич баҳоси — 176 913 152 сўм.***

**5.** «SGZ3251 DEL» русумли, давлат рақами 15 AN876, 2008 йилда ишлаб чиқарилган.

***Бошланғич баҳоси — 176 913 152 сўм.***

**6.** «SGZ3251 DEL» русумли, давлат рақами 15 AN501, 2008 йилда ишлаб чиқарилган.

***Бошланғич баҳоси — 176 913 152 сўм.***

**7.** «SGZ3251 DEL» русумли, давлат рақами 15 AN509, 2008 йилда ишлаб чиқарилган.

***Бошланғич баҳоси — 176 913 152 сўм.***

**8.** «SGZ3251 DEL» русумли, давлат рақами 15 AN879, 2008 йилда ишлаб чиқарилган.

***Бошланғич баҳоси — 176 913 152 сўм.***

**9.** «ZOOMLION» русумли, давлат рақами 15 AN732, 2008 йилда ишлаб чиқарилган.

***Бошланғич баҳоси — 202 456 995 сўм.***

Аукцион савдолари 2013 йил 23 август куни соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади.

Мулклар билан Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 21 август куни соат 18.00.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Farg'ona mulk markazi» МЧЖнинг ДТ Халқ банки Фарғона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704943063001, МФО: 00497, СТИР: 302134194.

**Манзил: Фарғона ш., Бурҳониддин Марғиноний к., 35-уй. Тел.: (8-373) 244-43-58. www.rmm.uz**

*Гувоҳнома рақами: 1177.*

1178R/725

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

***бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2010 йил 11 августдаги ЖСХ 1-164/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Шодлик кўчасида жойлашган умумий майдони 352 кв.м. бўлган яшаш уйи, равон, айвон, ертўла, ошхона, омборхона, ҳожатхона ва бостирма биноларидан иборат 24-уй такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 297 629 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 7 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 5 август куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz**

*Хизматлар лицензияланган. Лицензия: RR-0001.*

1182R/1453

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
### Самарқанд вилояти филиали

***бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

Аукцион савдоларига Самарқанд шаҳар СИБ томонидан хатланган, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2010 йил 26 апрелдаги ЖСК 1/77-2010-сонли ижро варақасига асосан хатланган, қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Самарқанд шаҳри, «Боғишамол Фароч» боғдорчилик жамияти ҳудудида жойлашган икки қаватли дала-ҳовли биноси.

**Бошланғич баҳоси — 118 802 926 сўм.**

**2.** Самарқанд шаҳри «Боғишамол Фароч» боғдорчилик жамияти ҳудудида ёнма-ён жойлашган икки қаватли дала-ҳовли биноси.

**Бошланғич баҳоси — 31 355 878 сўм.**

Аукцион савдолари 2013 йил 5 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 1 август куни соат 18:00.

Талабгорлар диққатига! Ушбу кўчмас мулклар 2013 йил 5 августдаги аукцион савдоларида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2013 йил 20 август куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Самарқанд вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» «Кўксарой» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. 20208000604920609025, МФО: 00262, СТИР: 207122519.

**Манзил: Самарқанд ш., Бўстонсарой к., 85-«А» уй. Телефон (8-366) 233-80-56. www.1kms.uz, rieltsavdo@inbox.uz**

*Хизматлар лицензияланган. Лицензия: RR-0001.*

1180А/1441

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
### Хоразм вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743 сонли қарори ва Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси Хоразм вилояти ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 12 июлдаги 84-АС-сонли буйруғига асосан хатланган, Ҳазорасп тумани ҳокимлигига қарашли, Ҳазорасп тумани, Бешта қишлоғида жойлашган, **бошланғич баҳоси — 138 310 000 сўм** бўлган (кейинги ўринларда «Давлат активи» деб юритилади), «Бешта» ФАПнинг бино ва иншоотлари очиқ аукцион савдосига қўйилмоқда.

Балансда сақловчининг номи: Хонқа тумани ҳокимлиги.

Фаолият ихтисослиги: Маъмурий бошқарув.

Умумий ер майдони 735,75 кв.м., шундан қурилиш ости майдони 442,86 кв.м.

Аукцион савдоси 2013 йил 22 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Буюртмаларни расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик). Буюртмаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 21 август куни соат 12.00. Талабгорлар давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини буюртмалар қабул қилинадиган охирги кунгача «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Хоразм вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» «Тинчлик» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609036, МФО: 00580, СТИР: 207122519.

Аукцион савдолари натижаларига кўра, ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномаси расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Тўланган закалат пули кўчмас мулк сотилиш баҳосининг 15 фоизидан камини ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчи ёки савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига қолган суммани тўлаши шарт.

**Буюртмалар қабул қилинадиган ва аукцион ўтказиладиган манзил: Урганч шаҳри, Й. Бобожонов кўчаси, 23-уй. Телефон/факс: (8-362) 226-32-63. www.1kms.uz, rieltsavdo@inbox.uz**

***Хизматлар лицензияланган.*** *Лицензия: RR-0001.*

1187А/1453

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

***очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

*«Capital Realtor Group» МЧЖ Фарғона филиалида 2013 йил 7 август куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк такроран, арзонлаштирилган нархда қўйилмоқда:*

Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилоят судининг 2011 йил 30 декабрдаги 2-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, «Фруктовый-Рай» агрофирмасига тегишли бўлган, Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ, «Шарқ тонги» МФЙ, Қапчуғай кўчасида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 6048,78 кв.м., фойдали майдони 3577,98 кв.м. бўлган 0001 — 0019 литерлардаги маъмурий бино ва иншоотлар аукцион савдога қўйилган.

***Бошланғич баҳоси — 349 812 488 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2013 йил 5 август куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Ушбу очиқ аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини беш банк куни мобайнидан тўлалигича тўлаши керак.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулкка доир тақдим этилган ҳужжатлар билан танишиш, савдода иштирок этиш учун ҳужжатларни тақдим этиш юзасидан ва қўшимча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

**Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 22-уй. Тел: (8-373) 224-69-96, (+99890) 231-38-59.**

***Хизматлар лицензияланган.*** *Лицензия: № RR-0017.*

1183А/105

## «NEW ESTATE ACTION» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Тошкент вилояти, Паркент тумани СИБ томонидан 2011 йил 8 октябрдаги 10-1114/978-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Паркент тумани, Бўстонлиқ қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 0,92 гектар бўлган ғишт заводи ва унинг бир қаватли маъмурий биноси, ошхона ва иншоотлари очиқ аукцион савдосига қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 475 540 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 25 август куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг ХЁАТБ «Hi-tech bank»даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904995394001, МФО: 01066, СТИР: 302373151.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: (8-371) 254-69-13.**

***Хизматлар лицензияланган.*** **Лицензия: RR-0148.**

1189А/1091

OHANGARONSEMENT EURO CEMENT ЕВРОЦЕМЕНТ груп

**ихтисослаштирилган корхоналарни «ЭКГ-5А», «ЭКГ-5», «ЭКГ-4,6» экскаваторларини капитал ва жорий таъмирлаш учун таклиф этади.**

***Мурожаат учун телефонлар:***

***(8-370) 645-70-20***
*(қўшимча 67-646)*
***(8-370) 645-70-20***
*(қўшимча 67-833)*

1142А/653

## ВИРИН ХСК

**КЎСАК ҚУРТИГА ҚАРШИ САМАРАЛИ БИОЛОГИК ҲИМОЯ ВОСИТАСИ**

Инсон ҳаёти, атроф-муҳит, фойдали ҳашаротлар ва ўсимлик чанглатувчиларга мутлақо зарарсиз.

ВИРИН ХСК — ғўза, маккажўхори ва бошқа экинлардаги кўсак қуртига қарши 7-10 кун ичида ўз самарасини кўрсатади ва ушбу препарат ишлатилган далаларда 1-2 йил давомида ўз таъсирини сақлайди.

«Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида қўллашга рухсат берилган пестицидлар ва агрохимикатлар рўйхати»га самарали биологик восита сифатида киритилган.

**Манзил: Тошкент ш., Бодомзор йўли к., 37-уй. Тел.: (+99890) 920-32-99, (+99894) 160-27-24.**

***МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН***

1159R/690

## ЁАЖ шаклидаги «Ўзбек Лизинг Интернешнл А.О.» ҚК лизинг компанияси

## тошни майдалаб-сараловчи ускуна сотилиши

*ҳақида эълон қилади.*



**Ускуна шокли майдаловчи, конусли майдаловчи, вертикал валли зарбли майдаловчи, ғалвир машинаси, қумювгич ҳамда транспортёрдан иборат. Қуввати соатига — 100 тонна. Ускуна Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган.**

**Тўлиқ маълумот олиш учун бизнинг офисга мурожаат қилишингиз мумкин. Тел: (+99871) 120-02-02. Масъул шахс: *Холтўраев Суҳроб.***

1122R/668

## 20 ИЮЛЬ — ХАЛҚАРО ШАХМАТ КУНИ

*Ўзининг бетакрор тарихи ва маданияти, ақл-заковати билан асрлар давомида инсониятни ҳайратга солиб келган халқимизнинг юксак тафаккури ҳамда интеллектуал салоҳияти мустақиллик йилларида ёш авлод вакиллари томонидан қўлга киритилаётган ажойиб ғалабалар тимсолида яққол намоён бўлмоқда.*



# Дунёни ҳайратга солаётган ёшлар



Масалан, юртимизда энг оммалашган спорт турларидан бири — шахматда эришилаётган ютуқларни олайлик. Мана, яқиндагина Эронда 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида Осиё чемпионати ўтказилди. Ушбу нуфузли мусобақада, айниқса, олти ёшли шахматчимиз Исломбек Синдоров қайд этган натижа спорт оламида камдан-кам кузатиладиган воқеа бўлди. У қитъа биринчилигида уч йўналиш — рапид ва блиц турнирлари ҳамда классик шахмат бўйича ғолиб чиқиб, бир йўла учта олтин медални қўлга киритди. Эътибор беринг: Исломбек 21 партия ўйин ўтказиб, шунинг йигирматасида ғалаба қозонди ва ўзига хос рекорд ўрнатди. Шу боис ҳам бугун кўзга кўринган шахматчилар, спорт мутахассислари жажжи болакайнинг ушбу муваффақиятига қойил қолиб, унинг келажаги порлоқ эканини айтишмоқда. Дарвоқе, Исломбекнинг акаси Жавоҳир ҳам Эрондаги Осиё чемпионатида қатнашди ва кумуш медаль билан тақдирланди.

— Ҳар бир ота-она фарзандининг бекаму кўст камолга етиб, эл корига ярайдиган инсон бўлишини хоҳлайди, — дейди умидли шахматчиларнинг отаси Санжарбек Синдоров. — Президентимизнинг ёш авлодга кўрсатаётган беқиёс ғамхўрлиги туфайли диллардаги ана шу эзгу ниятлар ўз рўёбини топмоқда. Бундан жудаям миннатдормиз. Шахмат — оиламиздаги энг севимли спорт машғулотларидан бири. Ўғилларим Жавоҳир ва Исломбек айнан шу спорт турига қизиққанидан қувонаман. Чунки шахмат ақлни чархлайди, тафаккурни ривожлантиради, ҳар бир ишда етти ўлчаб бир кесишга ўргатади. Булар инсон учун ҳаётда доимо асқотадиган фазилатлардир. Биласиз, ҳамма нарса ҳавасдан бошланади. Қарангки, эндиликда 4 ёшли ўғлим Ҳумоюн ҳам акаларига эргашиб, "ақл гимнастикаси"га қизиқаяпти. Барчасининг омадини берсин, дейман...

Гап биргина шахмат ҳақида бораётган бўлса-да, мазкур спорт тури бўйича вакилларимиз эришаётган муваффақиятлар шу қадар кўпки, уларнинг айримларигагина тўхталиб ўтамиз. Ўтган йили жажжи шахматчимиз Нодирбек Абдусатторов Словениянинг Марибор шаҳрида тезкор шахмат бўйича ташкил этилган, дунёнинг 126 мамлакатидан қарийб 2600 нафар спортчи иштирок этган жаҳон чемпионатида ғолиб чиқди. Ёки ёш спортчимиз Нафиса Мўминованинг Ўзбекистон хотин-қиз шахматчилари орасида биринчи бўлиб Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕнинг "Халқаро гроссмейстер" деган юксак унвонига сазовор бўлганини айтмайсизми?! Хўш, бу ютуқлар қаердан келди?! Албатта, осмондан тушгани йўқ. Барчаси мустақиллик йилларида ёшлар таълим-тарбиясига қаратилаётган эътиборнинг меваларидир.

Хабарингиз бор, Нафисанинг эришган муваффақияти муносабати билан Юртбошимиз унга замонавий компьютер совға қилди. Спортчи учун бу жудаям катта эътибор ва рағбат ҳисобланади. Уни янги марралар сари чорлайди. Энг муҳими, бундай унутилмас воқеалар эндигина вояга етаётган ўғил-қизлар қалбида ҳавас уйғотиб, уларни ҳам спорт оламига етаклайди. Шу орқали жамиятда соғлом турмуш тарзи мустаҳкам қарор топади.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида давлатимиз раҳбари моҳир шахматчимиз Рустам Қосимжоновга ҳам компьютер ҳадя қилиб, унга омадлар тилаган эди. Ана шу ғамхўрликдан руҳланган ҳамюртимиз ўтган давр мобайнида шаклланди, билимини оширди ва бугунги кунга келиб дунёдаги энг кучли "ақл гимнастикаси" усталаридан бирига айланди. Агар 64 катакнинг сир-асрорларини эндигина ўргана бошлаган қайсидир бир боладан "Ким бўлмоқчисан?", деб сўрасангиз, шубҳа йўққи, "Рустам Қосимжоновдек зўр шахматчи бўламан" деган жавобни эшитасиз. Ҳақиқатан ҳам, Рустамнинг спортда босиб ўтган йўли ҳавас қилишга арзийди. Жумладан, у 10 ёшидаёқ Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритган. 1994 йилда ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ғолиб чиққан ва жаҳон биринчилигида бронза медалига сазовор бўлган. Орадан уч йил ўтиб, аниқроғи, 1997 йилда Халқаро шахмат федерациясининг 68-конгрессида унга халқаро гроссмейстер унвони берилган. Аҳамиятлиси, Рустам бу мавқега 18 ёшгача эришган жаҳондаги беш нафар шахматчидан бири саналади.

2004 йили Ўзбекистон спорти тарихида яна бир ёрқин воқеа кузатилди. Дунёнинг 56 мамлакатидан 128 нафар шахматчи иштирок этган жаҳон чемпионатида Рустам Қосимжонов ғолибликни қўлга киритди. Унинг ана шу муваффақияти давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. Рустам Президентимиз Фармонига биноан, "Амир Темур" ордени билан мукофотланди.

Умуман, бугунги кунда юртимизда номи дунёга машҳур шахматчилар жуда кўп. Жумладан, Антон Филиппов, Алексей Барсов, Саидали Йўлдошев, Жўрабек Ҳамроқулов, Марат Жумаев, Нодира Нодиржонова, Сарвиноз Қурбонбоева, Юлдуз Ҳамроқулова, Ольга Собирова, Гулруҳбегим Тоҳиржонова, Ҳулкар Тоҳиржонова, Севара Боймуродова каби маҳоратли шахматчиларимиз доимо нуфузли халқаро мусобақаларда энг юқори ўринларни эгаллаб, Ўзбекистон фарзандлари билим, тафаккур ва иқтидор борасида ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлаб келишаётир.

Тасаввур қилиб кўринг. Айни пайтда ФИДЕга 170 дан зиёд давлатнинг шахмат федерацияси аъзо. Дунёда қарийб 500 миллион киши "ақл гимнастикаси" билан шуғулланади. Қаердадир мусобақа ташкил қилинса, шубҳасиз, шунча одам орасидан энг саралари қатнашиш учун боради. Бундай катта рақобат шароитида ғолиб чиқишнинг ўзи осон эмас. Шу боис ҳам ҳамюртларимизнинг ҳар бир ютуғи ёрқин воқеа сифатида қабул қилишга лойиқ.

— Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, улар ўртасида спортни, жумладан, шахматни ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳавас қилишга арзийди, — деган эди ўтган йили мамлакатимизга ташриф буюрган ФИДЕ президенти Кирсан Илюмжинов. — Юртингиз шахматчиларининг дунё миқёсидаги мусобақаларда доимо юқори натижаларни қайд этиб келаётгани ана шу эътибор самарасидир. ФИДЕ Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлайди. Биз "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси билан шахмат бўйича турли мусобақаларни ташкил этишга келишиб олдик. Ишончим комилки, бу ҳамкорлик алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Халқаро шахмат федерацияси жаҳон чемпионатлари, шахмат олимпиадалари ҳамда турнирларини ўтказиш орқали ушбу спорт турини янада оммалаштиришга интилмоқда. 1966 йилдан бошлаб 20 июлнинг (1924 йилнинг 20 июлида ФИДЕга асос солинган) "Халқаро шахмат куни" сифатида нишонлаб келиниши замирида ана шундай эзгу мақсад мужассам.

Мамлакатимизда ҳам мазкур сана муносабати билан турли мусобақалар, тадбирлар ташкил этиш яхши анъанага айланган. Бундан ташқари, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, олий ўқув юртлари, ёзги дам олиш масканларида шахмат тўгараклари фаолияти йўлга қўйилган. Уларда маҳоратини оширган ўғил-қизларимиз "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада спорт ўйинлари, шунингдек, "Камолот" шахмат тахтаси", "Тошкент қиши", "Тошкент оупен" турнирлари, ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасидаги республика чемпионатларида янада тобланишади. Ўзига хос бундай ноёб тизим халқаро мусобақаларда юртимиз вакиллари эришаётган ютуқларда муҳим пойдевор вазифасини ўтамоқда.

Хуллас, юртимизда шахмат жадал суръатлар билан ривожланиб бораяпти. Эътибор бор, шароиту имконият етарли. Иқтидор эгалари ҳам кўп. Биз улардан янгидан-янги ғалабаларни кутиб қоламиз.

**Шавкат ОРТИҚОВ.**

## Истиқлол сурури

*Юртимизнинг қайси бир вилоятига борманг, сўлим хиёбонлар, истироҳат боғлари ёки маҳалла гузарларида, албатта, турли ёшдаги одамларнинг завқу шавққа тўлиб шахмат ўйнаётганини кўрасиз.*

# БИЗ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМИЗ!

*Бир пиёла чой устида кечадиган бундай дўстона, самимий баҳсларни назаримизда фақат бизнинг юртда учратиш мумкин. Бу тинчлик ва осойишталикдан, меҳру оқибатнинг кучлилигидан, деб ўйлайман.*

*Ҳозирги кунгача бир неча бор республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда ғолиб ҳамда совриндор бўлдим. Осиё ўйинлари, жаҳон чемпионатларида қатнашдим. Ана шу натижаларим ФИДЕ томонидан эътиборга олиниб, менга Халқаро гроссмейстер унвони берилди. Ўзбекистон хотин-қиз шахматчилари орасида биринчи бўлиб шундай шарафга муяссар бўлганимдан беҳад бахтиёрман. Айниқса, Президентимиз ушбу ютуғимни алоҳида эътироф этиб, замонавий компьютер совға қилганлари ҳаётимдаги энг унутилмас воқеа бўлди.*

*Тарихимиз буюк, дунёга донғи кетган алломалар ўтган бу заминдан. Аммо биз, бугунги авлод вакиллари фақат ўтмиш билан фахрланишдан йироқмиз. Иқтидоримиз, истеъдодимиз бор экан, уни юзага чиқариб, Ўзбекистон фарзандлари ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлашда бундан кейин ҳам давом этамиз!*

**Нафиса МЎМИНОВА,**
**Халқаро гроссмейстер.**

## Диққат: танлов!

# ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЁШ ЖУРНАЛИСТИ

Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида жисмонан соғлом, маънавий етук, дунёқараши теран ва мустақил фикрлайдиган баркамол авлод этиб тарбиялаш, ёшларда миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, халқимиз менталитетига ёт бўлган турли иллатларга қарши курашиш кўникмаларини шакллантириш, ёш журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, улар орасидан иқтидорли ёшларни кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида "Йилнинг энг фаол ёш журналисти" республика танловини ўтказади.

Танловда республика оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ҳамда таҳририятлар билан яқин ҳамкорлик қилаётган 30 ёшгача бўлган журналистлар иштирок этишлари мумкин.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишларда Президентимиз раҳнамолигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти, ёшларни Ватанимиз, халқимиз, миллий қадриятларимизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш масалалари, давлатимиз томонидан ёшлар учун яратиб берилаётган имкониятлар, шарт-шароитлар кенг очиб берилган бўлиши даркор.

Танловга тақдим этиладиган материаллар 2013 йилнинг 1 ноябригача "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши (Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 11-уй)да қабул қилинади.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

— муаллифнинг паспорт нусхаси;
— таҳририят ёки ўқув юртидан берилган тавсиянома;
— 4х6 ҳажмдаги 2 дона фотосурат;
— муаллифнинг боғланиш телефонлари.

Танлов ғолиблари махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Танлов ғолибларига мукофотлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллик байрами арафасида топширилади.

**Мурожаат учун телефонлар: 170-90-27, 241-00-50**


«CHAG'ATAY INVEST» МЧЖ
қуёш батареялари
- Универсал иситиш тизими
- Газ генератори
- Шамол генератори
- Микро ГЭС
- Электрогенератор (табиат факторларисиз)




Тел.: (8-371) 250-47-59, (+99895) 170-06-39, (+99890) 950-10-74, (+99890) 951-94-15.
Сайт: WWW.CHAGATAY.UZ МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.


● Реклама ва эълонлар ●


Ҳурматли юртдошлар!

«АСАКА» банки (ОАЖ)
қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

«ФАРОВОН ТУРМУШ»
(миллий валютада)
Омонатнинг сақланиш муддати — 12 ва 18 ой. Ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.

«ИШОНЧЛИ»
(АҚШ долларида)
Омонатнинг сақланиш муддати — 12 ой. Ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент шаҳри филиали | (8-371) | 120-83-13 |
| 2. | «Автотранспорт» филиали | (8-371) | 120-39-95 |
| 3. | Шайхонтоҳур филиали | (8-371) | 140-39-36 |
| 4. | Юнусобод филиали | (8-371) | 221-80-67 |
| 5. | Сергели филиали | (8-371) | 258-67-49 |
| 6. | Тошкент вилояти филиали | (8-371) | 120-84-13 |
| 7. | Андижон вилояти филиали | (8-374) | 224-40-96 |
| 8. | Асака филиали | (8-374) | 233-13-69 |
| 9. | «Фарҳод» филиали | (8-374) | 226-97-53 |
| 10. | Фарғона вилояти филиали | (8-373) | 224-70-83 |
| 11. | Марғилон филиали | (8-373) | 237-12-37 |
| 12. | Олтиариқ филиали | (8-373) | 432-10-11 |
| 13. | Қўқон филиали | (8-373) | 552-61-04 |
| 14. | Наманган вилояти филиали | (8-369) | 226-94-75 |
| 15. | Навоий вилояти филиали | (8-436) | 223-54-32 |
| 16. | Зарафшон филиали | (8-436) | 573-18-78 |
| 17. | Бухоро вилояти филиали | (8-365) | 223-71-94 |
| 18. | Бухоро шаҳри филиали | (8-365) | 770-11-27 |
| 19. | Самарқанд вилояти филиали | (8-366) | 231-08-86 |
| 20. | «Афросиёб» филиали | (8-366) | 221-77-56 |
| 21. | Қашқадарё вилояти филиали | (8-375) | 221-12-93 |
| 22. | Сурхондарё вилояти филиали | (8-376) | 770-82-12 |
| 23. | Қорақалпоғистон филиали | (8-361) | 770-60-59 |
| 24. | Хоразм вилояти филиали | (8-362) | 226-97-78 |
| 25. | Сирдарё вилояти филиали | (8-367) | 225-44-03 |
| 26. | Жиззах вилояти филиали | (8-372) | 226-43-11 |

«АСАКА» БАНКИ (ОАЖ) САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.

Хизматлар лицензияланган.

БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

Сизнинг омонатларингиз:
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

1175R/15


# Аҳолига шифобахш неъмат

*Бекобод туманилик Санжарбек Қосимов ҳудуддаги техника ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежини битиргач, асаларичилик йўналишида ўз бизнесини йўлга қўйди.*

## ТАШАББУС

Бунда у тижорат банки томонидан ажратилган имтиёзли кредитдан фойдаланди. Шу тариқа 20 миллион сўмлик сармоя эвазига 120 асалари уясини келтириб, деҳқон хўжалиги мақомида иш бошлади.



— Мавсум мобайнида аҳолига арзон нархларда шифобахш неъмат етказиб бериш ҳаракатидамиз, — дейди ёш тадбиркор. — Бунинг учун туманимиздаги марказий бозор ҳудудида деҳқон хўжалигимизнинг махсус савдо шохобчасини ҳам ташкил қилдик.

Шуниси эътиборлики, вилоятда жорий йил мобайнида коллеж битирувчиларини тадбиркорликка кенг жалб этиш учун тижорат банклари томонидан 3 миллиард сўмликдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилиши кўзда тутилган.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Электрон кутубхона

*Сирдарё вилояти ахборот-кутубхона маркази китобхонларга интернет тармоғида ташкил қилган ўз веб-сайти орқали ҳам хизмат кўрсата бошлади.*

## ҚУЛАЙЛИК

Унга зиё масканидаги 2000 дан ортиқ адабиётларнинг электрон нусхалари жойлаштирилди. Шунингдек, марказда 22400 дан зиёд китобнинг электрон каталоги яратилган бўлиб, замонавий ахборот технологиялари асосида ишлаб чиқилган ушбу библиографик тасниф ўқувчиларга зарур бўлган асарларни тез ва аниқ тақдим этиш имконини беради. Эндиликда китобхонлар адабиётларнинг электрон кўринишларидан кутубхонанинг ўзида ёки ундан нусха олган ҳолда уй, ўқиш ҳамда иш жойларида ҳам фойдаланишмоқда.

— Бу биз, талабалар учун ҳам катта қулайлик яратмоқда, — дейди Гулистон давлат университети талабаси Севара Шерқулова. — Айниқса, бу ерда электрон кутубхона тизими яратилгач, китобхонлар сони ҳам сезиларли даражада кўпайди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ.**

Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби жамоаси Олий мактаб интернати тарбиячиси Раиса Хабаровага волидаи муҳтарамаси
**Анна МАҲМУДОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"O`zgashkliti" DUK жамоаси Самарқанд филиалининг собиқ ходими, меҳнат фахрийси
**Геннадий Петрович УСТИМЧЕВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 78 125 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 21.35 1 2 3 4 5